

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим вазирлиги Ал-Хоразмий номидаги
Урганч Давлат университети “Муסיкий таълим”
таълим йўналиши кундузги бўлим
битирувчи курс талабаси

Сафарова Рисолатнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: « Болалар муסיқа ва санъат мактаблари фортепиано
синфидаги дастлабки машғулотлар ва уларни олиб
бориш методлари »**

Илмий раҳбар:

*Муסיқа кафедраси катта ўқитувчиси
Нурматова М.А.*

Такризчи:

*Р. Аллаберганов номидаги Урганч шаҳар
2 сонли болалар муסיқа ва санъат
мактаби директори Матниёзова С.*

Урганч – 2011

Мавзу: Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фортепиано синфидаги дастлабки машғулотлар ва уларни олиб бориш методлари

Режа:

Кириш

I боб Фортепиано педагогикаси тарихи

- 1.1** Фортепиано педагогикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши
- 1.2** Болалар мусиқа ва санъат мактаблари кичик синфларида ўқувчи-пианиночини тарбиялаш ва шакллантириш асослари
- 1.3** Фортепиано синфидаги ўқувчилар фаолиятининг мазмуни ва турлари
- 1.4** Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг ёш хусусиятлари

II боб Болалар мусиқа ва санъат мактаби 1- синф ўқувчилари билан фортепиано бўйича машғулотлар олиб бориш методлари

- 2.1** Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари билан олиб бориладиган биринчи фортепиано машғулотлари ва “қўлни қўйиш” методлари
 - а) Таълимнинг нота ўрганишгача бўлган даври
 - б) Пианиночилик аппаратини ташкиллаштириш методикаси
- 2.2** Педагог ва ўқувчининг мусиқа асари устида ҳамкорликда олиб борадиган ишлари

Хулоса

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлатимиз таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш ва маданий савиясини ошириш, ёшларни дунё ва миллий мусиқа маданиятининг олий намуналари билан таништириш ва шу асосда мусиқий таълимини янада

ривожлантириш мақсадида ва шу соҳа ходим(кадр)ларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун президент И. А. Каримов томонидан **«Болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий - техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 - 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора тадбирлари тўғрисида»** ги қарори қабул қилинди.[3.1]

Унда болалар мусиқа мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш, самарали таълим тизимини яратиш, соҳа ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳақида сўз боради.

Давлатимизнинг юқори даражада ривожланган давлатлар қаторига чиқиш учун қилаётган ҳаракатлари ва миллий менталитетнинг кўп асрлик анъаналари кадрлар тайёрлаш масаласида катта аҳамият бахш этади.

И. А. Каримов чиқишларида ва кадрларни тайёрлаш миллий дастурида таълим олаётган ёшларнинг дунё ва ўзбек миллий қадриятларига таянган ҳолда эҳтиёж ва маънавий қизиқишларини ривожлантириш кўзда тутилади. [1.45] Кадрларни тайёрлаш дастури замонавий таълим тарбиянинг бир қатор муҳим томонлари (постулат)ларини: гармоник ривожланган, маънавий томонидан бой, эстетик дунёқарашли, фаол, интеллектуал салоҳиятли, ижтимоий фаол замонавий шахсни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унда таълим олувчиларнинг шахсини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг янги мактабларини излашга, таълим мазмунини тарбиявий ишлар, янги технологияларни яратишга ва педагогиканинг шахсга йўналтирилган шакл ва турларига алоҳида урғу берилади. Ушбу ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниб иш кўриш алоҳида уқтирилади, [2.4]

Фортепиано синфи ўқитувчиси касби мутлақо бошқачадир. У нафақат ушбу мутахассислик бўйича муносиб ўриндошни тайёрлаб қолмасдан, уларда ахлоқий - эстетик сифатларни шакллантиради, ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама гармоник тарбиялайди.

Шунинг учун ҳам мусиқа мактабларидаги хоҳлаган бирон — бир мутахассислик ўқитувчиси, даставвал ўқитувчи, яъни мусиқани тушунтирувчи ва унинг билимдони бўлиши керак. Бу айниқса ўқувчиларга таълим беришнинг куйи босқичларида жуда муҳимдир. Бу ерда энди таълимнинг комплекс методларини қўллаши, яъни ўқувчини фақат мусиқа ва унинг поэтик мазмуни билан таништириб қолмасдан, шакл таҳлили, структурани яхлит ва бўлакларга бўлиб тушунтириши, гармония, мелодия, полифония, фортепиано фактуралари ҳақида ҳам батафсил маълумот бериши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, болалар мусиқа мактаби фортепиано ўқитувчиси бир вақтнинг ўзида мусиқа тарихи, назарияси, сольфеджио, гармония, ва яна шунингдек, фортепиано ўқитувчиси ҳам бўлиши керак.

Мусиқа мактабларидаги замонавий дарснинг назарий аҳамияти ўқувчиларда мусиқий педагогикага янгича ёндашиш ва мусиқий технологиялари босқичларини яратиш орқали мусиқий маданиятни шакллантиришдир. Болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси фаолиятининг асосий мақсади мусиқачини тарбиялашдир.

Педагог “уч томонлама” объект билан иш кўради: ўқувчи - мусиқа асари

- чолғу асбоби; хоҳлаган бирон - бир педагогик тадқиқотнинг ажралмас томони, бу - ўқитувчи ва ўқувчидир. Таълим жараёни бу - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир - бири билан ўзаро мулоқотидир. Болаларнинг мусикий таълим тарбияси ишониб топширилган педагог, аввал бошидан машғулотларни қизиқарли қилиб тузиши зарур. Чунки, мусиканинг инсон учун дўст ва йўлдошга айланишида айнан баъзан биринчи ойларида олиб бориладиган машғулотлар катта рол ўйнайди.

Болани мусиқа нутқини эгаллашга қизиқтириш, педагогнинг дастлабки вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси таълимнинг дастлабки даврига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Таълимнинг дастлабки даврини иккита: нотани ўрганишгача ва ўрганган даврларга бўлиш мумкин. Нота ўрганишгача бўлган давр кам ўрганилган ва методик адабиётларда кам ёритилгандир. Менинг фикримча, у муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчилар билан иш олиб боришда муваффақиятни тaminлайди. Айнан, шунинг учун ҳам ушбу масала диплом ишида батафсил ёритилади.

Бу даврда олинган билимлар илдизи тайёрлов синфининг бутун таълим даври давомида кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади.

Фортепианода ўқитишнинг дастлабки даври ҳақида нафақат услубий ва педагог - амалиётчилар ва балки буюк ижрочилар, мусиқа танқидчилари ва публицистлар ҳам ёзганлар. Фортепианода ижро қилишнинг дастлабки даври масалалари, фортепиано маҳорати, фортепиано ижрочилиги танқидчилиги, мусиқа таълими адабиётига бағишланган тўпламларга киритилгандир. (О. А. Апраксина, Л. А. Баренбойм, П. А. Вульфус, Н. А. Терентьева ва бошқ) . Лекин, кўпгина тадқиқотларни кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, фортепианода ижро қилишнинг дастлабки даври тарихи махсус илмий тадқиқотларда тўлиқ ёритилмаган.

Шундай қилиб, битирув малакавий иш мавзуси: «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фортепиано синфидаги дастлабки машғулотлар ва уларни олиб бориш методлари» деб танланди.

Тадқиқот мақсади: Болалар мусиқа мактабларида фортепиано синфида ўқитишнинг методларини ўрганиш ва таҳлил қилиш

Тадқиқот объекти: Фортепиано ўқитиш методикаси

Тадқиқот предмети: Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фортепиано синфидаги дастлабки машғулотлар ва уларни олиб бориш методлари

Тадқиқот вазифаси:

1. Фортепианода ўқитишга бағишланган ўқув қўлланмалар, илмий мақолаларни ўрганиш.
2. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фортепиано синфи бўйича Ўзбекистон республикаси ДТС ва дастурлари билан танишиш.
3. Фортепиано педагогикаси пайдо бўлиш тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш
4. Мусиқа мактаблари 1 синфда фортепиано ўқитиш

методикаси билан танишиш.

Методы исследования: 1. Таҳлил ва синтез

2. Махсус адабиётлар ва манбаларни ўрганиш (Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фортепиано синфларининг намунавий ва ишчи дастурлари, «Фортепиано педагогикаси», «Фортепианода ижро қилишга ўргатиш методикаси», «Фортепиано яқка техникаси», «Муסיқий педагогик маҳорат асослари», Психология)
3. Маълумотларни умумлаштириш, таққослаш
4. Педагогик кузатиш
5. Объектив ва субъектив маълумотларни таққослаш

Ўбоб Фортепиано педагогикаси тарихи

1.1 Фортепиано педагогикаси пайдо бўлиши ва ривожланиши

Фортепиано педагогикаси пайдо бўлиши даврни XVIII асрда Европада фортепиано ўзидан олдинги «чолғулар қироли» - клавесинни мутлақо сиқиб чиқариб, унинг ўрнини эгаллаган пайдан деб ҳисоблаш мумкин. Ўша даврлардаёқ, фортепиано педагогикаси ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Бунинг сабаби эса, у клавесинда ижрочилик гуллаб яшнаган даврдан клавир педагогикаси, у орқали эса уйғониш даври орган - клавир педагогикасидан кўп нарсаларни олганлиги билан изоҳланади. Шундай қилиб, фортепиано педагогикасини клавишли чолғуларда ижро қилишнинг кўп йиллик ривожланиш босқичларидан бири деб қараш мумкин.

Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эгадир. Клавишли – торли чолғулар - клавир, кейинчалик эса фортепианода ўқитиш анча замонлардан буён муסיқий таълим - тарбия мақсадларига хизмат қилар эди.[16.10]

Орган - клавир педагогикасининг асосини ташкил қилувчи ғоя, ҳар томонлама ривожланган, ижодий фикрловчи шахсни - ижод ва ижро қилувчи, таълим берувчи муסיқачи касбининг яхлит қирралари бўлган композитор, педагог ва ижрочини тарбиялашдир. Бу ғоя ўта тараққийпарвар бўлиб, кейинги даврдаги кўпгина муסיқачилар фаолиятини илҳомлантирди. Табиийки, ҳар хил тарихий даврларда бу ғояни аниқ тушуниш ўзгариб янги мазмун билан тўлдириб турилган, бу эса педагогик иш методлари ва шакллариининг ўзгаришларига олиб келган.

Клавесинчилиكنинг юқори даражада гуллаб - яшаш даври XVIII асрга тўғри келди. Клавесин педагогикаси уйғониш давриининг орган - клавир санъати асосий анъаналарини янги давр талабига мувофиқ давом қилдирди ва ривожлантирди. Ф. Э. Бах ўзининг («Опыт истинного искусства игры на клавире») [7.3] китобининг сўз бошида: клавирчи: “ҳар хил фантазиялар ижод қила билиши, берилган мавзуларни “гармония ва мелодиянинг барча қонуниятлари асосида” қайта ишлай билишини, барча тоналликларда ижро

кила олишини (кўп сонли бемолли ва диезли тоналликлар ўша даврда амалиётга энди кира бошланган эди), хоҳлаган асарни дарҳол ва бехато транспозиция қилишни ва нотадан ўқий билишни, генерал - бас бўйича жўрнавозлик қила олишини” санаб ўтган эди. Санаб ўтилган талабларни жуда ҳам баланд деб айтиш мумкин эмас. Уларни бажариш фақат ижрочилик ва композиторчилик соҳасида мустаҳкам таълим олган муסיқачигина эплай олиши мумкин бўлиб, улар ҳар хил муסיқа фаолиятлари учун зарур кўпгина амалий кўникмаларни эгаллашга қаратилган бўлиши керак эди. XVIII аср яхши клавирчисининг ушбу кўникма ва малакаларга эга бўлганлиги ҳозирги давр муסיқачиси тасаввурида деярли эришиб бўлмас даража бўлиб кўринади. Аслида эса, ҳозирги даврда консерватория, муסיқа факультетлари, университет муסיқа бўлимлари ва санъат коллежларини талабалари хоҳлаган асарни варақдан ўқий олишлари, хоҳлаган асарни хоҳлаган тоналликка транспозиция қилишлари, генерал басни таҳлил қила олишлари ва ҳар фантазияларни импровизация қила олишлар мумкин.

Ўтган даврлар педагогикасининг катта ютуқлари сирини ижодий ўқувчи шахсини эртадан ва режа бўйича тарбиялаб, уни муסיқа асбобида ижро қилиш билан боғлаб олиб борилганлиги ва педагогик жараён ўта фаоллиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда, И. С. Бахнинг педагогик фаолиятини эсга олиш ўринлидир. Маълумки, у ўзининг инвенцияларини яратар экан, ўқувчи олдиға: нафақат “икки овозда соф ижро қила олиши” ва “ундан кейин учта партия билан яхши ва тўғри муомала қила олиш” шу билан бир пайтда “яхши фикрлашни ўзлаштириш” («*inventiones*») ва яна шунингдек, “композиция учун салмоқли тайёргарликка эга бўлиш” каби катта вазифаларни кўяр эди. [8.3] Агар ўқувчи ўзининг олдин олган барча муסיқий тарбияси билан муаллифнинг ижодий лабораториясига гўёки кириб кетган бўлса, бу пьесаларни ижро қилиш қанчалик даражада муваффақиятли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу эса шахсий ижодий изланишлар учун рағбатлантирувчи кучдир.

Фортепиано чолғусининг бошқа клавишли чолғуларидан ажралиб чиқиши, муסיқа санъати тақдирида чуқур ўзгаришлар даври бўлди. Аста - секин композитор, педагог ижрочи касблари орасида ажралиш рўй бера бошлади. Бу эса муסיқа асарлари муалифлари ўзларининг ижодий ғояларини нота матнида тўлиқ ифодадай бошлаши, ижрочилар эса амалда композиция ва импровизация қилишдан мутлақо ҳоли бўлганлиги сабабли рўй берди.

Шу билан бир пайтда виртуозликка бўлган қизиқиш оқими - ижрочилик маҳоратини сайқаллашга нисбатан ўта юқори даражадаги талабларни кўйди. Буларнинг барчаси педагог - муסיқачилар диққатини ҳар хил композиторлик вазифаларини енга оладиган муסיқачини тарбиялашдан, чолғу асбобида ажойиб ижро қила оладиган виртуозларни тайёрлашга қаратишга мажбур қилди.

XIX асрнинг энг яхши педагоглари техникачилик соҳасидаги муסיқачини тарбиялашда гармониянинг йўқолишига олиб келаётган бурилишнинг хавфини сезиб турар эдилар. Улардан кўпчилиги бунга қарама-қарши олдинги таълим тизимини қўйишига ҳаракат қилдилар. Масалан, 20 йилдаги импровизация бўйича қўлланмада санъатнинг бу соҳадаги ривож “виртуоз - пианиночининг

мажбурияти ва беазаги” деб ёзилган эди.

Пианиночини тарбиялашнинг бошқа йўналиши - интерпретация муаммоси, яъни муаллиф ғоясини амалга ошириш анча истиқболли бўлиб кўринди. Бу йўналиш, масалан, И. Гуммель қўлланмасида яққол кўринади. Шу билан бирга параллел равишда пианиночини бир томонлама виртуозликка ўқитишнинг тор йўллари кенгайтириш муаммоларини ечиш усуллари ҳам ахтариб кўрилди. Шу маънода Ф. Лист каби новатор музикачининг педагогик фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Унинг педагог фаолияти, кенг билимли, ўзи ижро қилаётган асарлар поэтик мазмунига чуқур кириб борувчи ва уларни ўз ижросида тадбиқ қила олувчи музикачини тарбиялашга қаратилган эди.

Ҳозирда фортепианода ижро қилиш санъати эски мактаблар даврларидан анча илгарилаб кетди. Кўплаб яхши тайёрланган ўқитувчи кадрлар етишиб чиқди. Фортепианода ўқитиш методикалари ўзгарди. Педагог ва пианиночилар учун бир қатор бебаҳо қўлланмалар яратилди. Бир сўз билан айтганда музикаий чолғуларда оммавий ўқитишнинг сифат даражаси анча юқори даражага ўсди. Лекин, бу ҳали бизнинг фортепиано амалиётимизда қатор камчиликлар учрамайди деган сўз эмас. Бир қатор муаммолар ўзининг ечилишини кутаётган бўлиб, улар орасида ўз аҳамияти бўйича биринчи ўринларда турадиган, олдиндан мерос бўлиб келаётган ривожловчи таълим муаммоларидир.

Шундай қилиб, фикрлар кураши, илғор бадиий ғоялар тўқнашуви ва ҳар хил регрессив тенденциялар жўрлигида ҳозирги замон пианиночи ва педагогларга таълим беришнинг энг яхши тамойиллари юзага келди.

1.2 Болалар музика ва санъат мактаблари кичик синфларида ўқувчи-пианиночини тарбиялаш ва шакллантириш асослари

Фортепианода чалишга ўргатишнинг дастлабки босқичи ўзига хос хусусиятга эгадир. Сўз энг аввало болани музика оламига олиб кириш ҳақида кетаётган бўлиб, шунинг учун болани одиллик билан тарбиялаш ўта муҳим бўлиб, бу эса ҳақиқатдан ҳам маъсулиятли ва мураккаб ишдир.

Айнан санъат билан танишишдан олинадиган дастлабки тассуротлар, ҳал қилувчи бўлмаса ҳам боланинг кейинги музикаий ривожига кучли таъсир кўрсатади.

Фортепиано ижрочилигига ўқитишнинг замонавий методлари бошловчи пианиночининг бадиий тарбиясига диққатни етарли даражада йўналтиришни назарда тутди. Ушбу тамойилларга мувофиқ, биринчи дарсларданок болани санъат оламига олиб кириш, музика нутқига диққат билан қулоқ солиш, унинг мазмун, моҳиятини англаш, товуш сифати устида ишлашга ўргатиш зарур. Ўқувчининг эшитиш қобилиятини тарбиялаш бадиий ва тушунарли материаллар орқали олиб борилиши керак.

Дастлабки босқичда, ўқувчиларни бадиий томондан тарбиялаш вазифаларини ечиш учун ҳар хил воситалардан фойдаланилади. Булар энг аввало ҳикоя, тушунтириш, иллюстрациялардир. Айниқса, нота саводини ўргатишда иллюстрация учун шеърларни ўқиб бериш болага алоҳида таъсир кўрсатади. Шеърлар машғулотларга жонланиш киритиб, алоҳида кайфият

ҳосил қилади. Ўқув материаллини ўта тушунарли ва қизиқарли шаклда баён қилиш имконини беради.

Демак, фортепианода ижро қилишга ўргатишда болада мусиқа санъатига муҳаббат, бадиий дид, мусиқани эшита билиш ва тушуниш кўникмаларини ривожлантириш зарур. Буни амалга ошириш учун энг аввало фортепиано адабиётининг энг яхши намуналарини ўрганиш катта ёрдам беради. Булар халқ кўшиқ ва рақслари, ўзбек, рус, чет эл композиторларининг юқори сифатли асарлари бўлиши мумкин.

Мусиқа билан шуғулланиш жараёнига табиий равишда, бола ўзи ўрганган болалар ҳаёти, бунинг устига бола маиший ҳаётида унинг учун ёқимли, зарур ҳисобланган нарсаларни чиқариб ташламасдан аксинча, уларни киритиш ўта муҳимдир. Ўзининг меҳнат мажбуриятларини бола кейинроқ, керакли вақтда билиб олади.

Аввал эса уни олдида турган мўъжизакор – мусиқа дунёсига олиб кириш ва уни севиб қолишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи болада машғулотларга қизиқиш уйғотиб, уни қўллаб қувватлаб гўёки ўйин иштирокчиси, дўсти сифатида иш тутар экан, уни мунтазам равишда ўрганиб бориши, психолог бўлиши зарур. Машғулотлар методи ва хусусиятларини кўпчилик ҳолларда ўқувчининг ўзи айтиши мумкин.

Педагог кўп адабиётларни кўриб чиқар экан, айнан шу ўқувчи учун фойдали ва қизиқарли нарсаларни танлайди, яна шуниси ҳам борки, у ўта диққат ва синчовлик билан иш олиб бориши керак, чунки битта ўқувчи учун фойдали бўлган нарса, иккинчи ўқувчи учун бефойда бўлиши мумкин. «Ўқитувчининг дунёқараши қанчалик даражада кенг бўлса у ўқувчининг кучли ва ожиз томонларини шунча аниқ тасаввур қилади ва у билан олиб бориладиган машғулотлар шу даражада одилона, репертуар режаси мақсадига мувофиқ ва фойдали бўлади. Ўқувчи учун тўғри репертуар танлаш ўта муҳимдир. Болалар учун тушунарсиз ёки ўта қийин бўлиб кўринган асарлар билан уларни қийнаш мақсадга мувофиқ эмас, ҳар бир ўқувчи иштиёқ ва қониқиш билан шуғулланса анча – муваффақиятларга эришиши мумкин...».[16.17] Лекин, шунга қарамасдан ўқувчи ижрода енгил ифода қилиши мумкин бўлган характердаги асарларни унга бериб, ўқувчи томонга ён босавермаслик керак. Хохлаган бирон бир мусиқачи энг аввало тингловчиларга инсон ички дунёсининг хоҳлаган ҳолатини ифодалашга қодир ижодкор (артист)дир.

Педагог ўзига нисбатан ўқувчида ҳурмат ҳиссини тарбиялаши зарур, акс ҳолда боланинг мусиқани севиб қолишига ишонч ҳосил қилиб бўлмайди. Мусиқа чалишни ўрганаётган ҳар бир кичик шахсга маъсулият ҳисси ва жиддийлик билан қараш зарур.

Болалик пайтларида нафақат асосан билимлар, балки мусиқий тафаккур ва меҳнат қилиш кўникмалари ҳам шаклланади.

Ўқув вазифалари билан бир қаторда масалан, мусиқа саводи билан таништиришнинг дастлабки босқичида ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятлари-мусиқий ўқув, ритм, мусиқий хотира кабиларга алоҳида диққатни қаратиш зарур. Таълимнинг дастлабки даврида ўқувчининг мусиқий қобилиятларни ривожлантириш муаммоси асосий ўринда туради. Бу муаммони ечиш учун

фортепиано педагогикасида кўп тавсиялар мавжуддир. Аммо кўпчиллик ҳолларда амалиётда маълум бир вазифаларни шу жумладан: ритм ҳисси, мусикий хотирани ривожлантириш учун қўшимча ноанъанавий воситаларни қўллаш зарурияти туғилиб қолади.

Муסיқа билан биринчи учрашувданок болада унга қизиқиш уйғотгандан кейингина уни аста - секин касбий кўникмалар оламига олиб кира бошлаш мумкин. Профессионал таълимга ўтилар экан, биринчи навбатда иложи борица керакли билимларни болага енгил ва тушунарли тарзда етказишга ҳаракат қилиши зарур. Шу билан бир пайтда меҳнат қилишга бўлган иштиёқни ҳам тарбиялаб бориш керак. Меҳнат қилишга ўргатиш ва уни рағбатлантиришдан мақсад, ўқувчининг ўз меҳнати натижасини сезишга ўргатишдир.

Болада бу интилишларни педагог иложи борица эрта уйғотиши ва машғулотлар давомида ҳар томонлама қўллаб қувватлаши лозим. Ҳатто энг оддий кўшиқларни ўрганишда ҳам ўқувчиларда куйни аниқ эшитиш тасаввурларини уйғотишга ҳаракат қилиш керак. Бола куйни фортепианода ижро қилиш билан бир пайтда куйлашни ўрганиши, кейин эса уни алоҳида, чолғу асбобисиз куйлаши, ҳар хил тоналликда чала билиши керак. Ўқитишнинг энг бошидан ўқувчиларни транспозиция қилишга ўргатиб бориш жуда муҳимдир. Бунга ўхшаш машқлар мусикий ўқув, хотирани ривожлантиради ва клавиатурада мўлжалга олиш учун катта ёрдам беради.

1.3.Фортепиано синфидаги ўқувчилар фаолиятининг мазмуни ва турлари

Фортепиано чалишни ўргатиш жараёнига яхлит система сифатида қараб, ҳозирги босқичдаги мусикий-эстетик тарбиянинг мақсадларидан ҳамда мактабнинг ушбу тарихий даврдаги муайян таълим-тарбия вазифаларидан келиб чиқиб ўргатишнинг мазмунини белгилаймиз. [15.51]

Умумий муסיқа таълимининг фортепиано синфидаги ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг мақсад ва вазифалари янги инсонни камол топтириш принципларидан келиб чиқади.

Шахснинг ҳар томонлама камол топиши меҳнат тарбияси, аклий, эстетик ва жисмоний тарбиянинг бирлиги билан таъминланади. Муסיқа тарбиясини ҳам ўз ичига олган эстетик тарбия ўз олдига: санъат соҳасидаги ижодий қобилиятларни шакллантириш, санъатдаги ва ҳаётдаги гўзаллик ҳамда нафосатни ҳис этиш ва тушунишни ривожлантириш, эстетик фаолиятнинг танланган турига вақт ажратиш эҳтиёжини вужудга келтириш вазифаларини кўяди.

Муסיқани ўргатиш мазмунини компонентларининг хилма-хиллиги мусикий фаолият турларини белгилайди ва уларни ўзлаштириш жараёнида фортепиано синфидаги таълим ва тарбия мақсадларини амалга оширади. В.Асафьевнинг куйларни яратиш, ижро қилиш, идрок этишдан иборат уч элементли санъат ҳисобланмиш муסיқа ҳақидаги ғояси, муסיқашунослик нуқтаи назаридан пианиночи ўқувчиларга фаолиятнинг ҳар хил турларини

ўзаро бирлик ва боғлиқликда ўзига қамраган мусиқа тарбиясини бериш зарурлигини асослашга хизмат қилади.

Фортепиано синфида болаларга ижрочиликни ўргатиш асосий вазифа хисобланса-да, ўқувчиларнинг фаолияти фақат ижрочиликдан иборат бўлиб қолиши мумкин эмас. Ҳозирги услубият машғулотларда фортепиано таълимнинг тор махсус вазифаларининг хал қилинадиган анъанавий системадан фарқли равишда ўз олдига асосан болаларни мусиқага қизиқтириш, фортепиано чалишга рағбатлантириш, уларга мусиқа билан бемалол шуғулланишни ўргатиш мақсадини қўяди. Шунга қўра, фортепиано синфидаги ўқувчилар мусиқий фаолиятининг ўзаро боғлиқ ҳар хил турларига ва хилма-хил шаклдаги ишларга жалб этилади. Масалан, турли жанр, шакл ва услубдаги фортепиано пьесаларини бажариш, машқлар ва этюдларнинг материаллари асосида техник малакаларни таркиб топтиришга доир ишлар, варақдан ўқиш, ансамблда чалиш ва жўр бўлиш, мусиқа билан ижодий шуғулланиш (эшитиб чалиш, товушларни кўчириш ва жузъий бадиҳа); мусиқа асарларини идрок этиш ва ижрочилик тажрибаси ҳамда назарий билимлар асосида эстетик баҳолаш ана шулар жумпласидандир.

Фортепиано синфидаги дарсни ўтказишнинг асосий шакли якка тартибдаги машғулотлардир. Улар қатор афзалликларга эга бўлиб: ўқувчилар билан яқин алоқа ўрнатиш имконини беради, ўқувчиларнинг ҳар бирига таъсир кўрсатишнинг воситалари ҳамда усуллари доимо топиш, тузатиш ва янгилашни таъминлайди, ўқувчилар шахсини чуқур тушуниш учун қулай шароит яратади ва ҳоказо.

Лекин, буларнинг ҳаммасига эришиш учун ўқитувчи дарс ва машғулотлар системаси орқали мақсадга мувофиқ педагогик раҳбарликни амалга ошириши лозим. Бундан ҳар бир дарсга икки нуктаи назардан:

1. Муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг маълум бир босқичи сифатида;
2. Узоқ вақтга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишнинг зарур қисми сифатида қараш керак. [15.59]

Мусиқа педагогикаси ҳам дарсга қўйилган умумий дидактик талабларга таяниб, фортепиано бўйича якка тартибдаги машғулотларга қатор муайян талабларни олға суради.

Ҳар бир дарсда ўқувчилар олдига аниқ вазифалар қўйилиши керак. Масалан, уларга назарий маълумотлар берилиши ёки уларнинг билимлари мустаҳкамланиши, мусиқий саводхонлиги тарбияланиши, товушнинг муайян сифатига эришиш устида метроритмик ёки педализациянинг қийин элементлари устида ишланиши лозим.

Машғулотларни ва уларнинг мазмунини ташкил этишда изчилликка риоя қилиниши зарур. Масалан, ўқувчи бир дарсда олган янги билим кейинги машғулотда мустаҳкамланиши, шаклландиган кўникма ва малакалар мантиқан олдинги дарслардан келиб чиқиши керак.

Ўрганилган материалнинг аста-секин мураккабланишини бериладиган янги билимлар меъёрига мувофиқлаштириш лозим.

Кўп дарслар комплекс йўсинда ўтказилиши, яъни уларда дарснинг турли

шакллари жамланиши, уй вазифалари текширилиши, янги материал оғзаки тушунтирилиши ва амалда кўрсатилиши, назарий маълумотлар берилиши, варақдан ўқиш, товушларни кўчириш, ансамблда чалиш, мактабдан ташқаридаги воқеаларни муҳокама қилиш ва бошқа тадбирлар амалга оширилиши керак.

Дарснинг сифатли ўтиши кўпроқ ўқитувчининг тайёргарлигига боғлиқ. Ҳар бир дарсни аввало яхши таҳлил қилиш, унинг ўқувчига ҳозирги кун учун, шунингдек, яқин ва узоқ куелажақдаги камолоти учун нима берганини баҳолаш керак. Ўқитувчи ўқувчилар ижро этадиган репертуарни яхши билиши, ана шу асарларни чалишдан ташқари ҳар хил таҳрир ва талқин қилишни ҳам тасаввур этиши лозим. Ўқувчининг репертуари янги асарлар билан узлуксиз бойитиб борилиши, уларнинг айримлари варақдан ўқитиши, айримлари юзаки ва айримлари мустақил ўрганилиши керак ва ҳоказо. Бунинг учун эса ўқитувчи ўзининг педагогик репертуарини, болалар мусиқаси соҳасидаги билимларини бойитиб бориши зарур.

Дарсда мустақил ишлаш машғулотнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда ўқувчилар педагог иштирокида мусиқа асари ёки унинг бир қисми устида мустақил ҳолда ишлайдилар. Бундай машғулотда ўқувчининг уй вазифасини бажаришда қандай хато ва камчиликларга йўл қўйишини, қайси ишларни тўғри бажаришини аниқлаш жуда қулай бўлади.

Фортепано чалишни оммавий ўргатишнинг барча вазифаларини амалга оширишда ана шу вазифалар ҳал қилинадиган материал, яъни ўқув репертуари алоҳида рол ўйнайди. Бу репертуарни тўғри танлаш ва унга билиб мурожаат қилиш мусиқага муҳаббатни тарбиялаш учун кенг имконият яратади, репертуарнинг ўзи эса мусиқага жонли қизиқишнинг туганмас манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин ва лозим. [15.61]

Репертуарни кенгайтириш педагогдан якка тартибдаги машғулотларнинг одатдаги структурасини бирмунча қайта қуришни талаб қилади. Бу қайта қуриш тўрт қўлли (ва бошқа) ансамблларнинг салмоғини оширишдан ва ишнинг жамоа шакллари кўллашдан иборат бўлиб, ана шунда ҳар бир ўқувчининг репертуари барча ўқувчиларнинг мусиқий ва пианиночилик билимлари доирасини кенгайтиришда ёрдам беради.

Мусиқага муҳаббатни тарбиялаш учун ҳам ўқувчиларга мос материаллар асосида жиддий ижрочилик вазифаларини қўйиш керак. Синфда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш учун илгари ўрганилган пьесаларнинг иложи борица кўпроғини эсда сақлаб қолиш бўйича кундалик топшириқлар бериб борилиши лозим.

Очиқ чиқишлар(концертлар ва имтиҳонлар) таълим жараёнини ташкил этиш сифати даражасини кўрсатувчи якуний омил ҳисобланади. Эстрада чиқиш учун ўқувчиларни махсус тайёрлаш, уларнинг иродасини тарбиялаш, тингловчилар билан ижодий мулоқотга эҳтиёжини ошириш лозим. Ҳар бир концерт ўқувчилар учун байрам бўлиши, уларга ўзларини кўрсатиш учун имконият яратиши керак. [15.62]

1.4 Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари

Таълим асосини ўқувчига якка ёндашиш тамойилини ташкил этади. Буни амалга ошириш учун эса болани ўрганиш, унинг нима билан яшаётганлиги, нимага қизиққанлигини билиш керак. Бунда эса ўз ичига: мен нимани эшитиб ижро қилдим, мактабда нималар ҳақида гапириб бердим, мусикачилар ҳақида нималар ўқидим, кўргазмада, концертда қандай қизиқ нарсаларни кўрдим, қандай тўгаракларда қатнашдим таҳлилидаги саволлар ёзилган кундалик катта ёрдам беради. Яна шунингдек, ўқувчиларнинг рухий хусусиятларини ҳам эътиборга олиш зарур. Болалар шартли равишда кичик (7 - 10) ва катта (11 - 15 ёш) ларга бўлинадилар.

Кичик (1 - 3 синф) болалари ҳали таҳлил қилишни билмайдилар, уларга ёрқин, кувноқ кайфият хосдир. Уларда барча янги нарсаларга бўлган беихтиёр диққат яхши ривожланган. Ўзини тўхтатиш жараёнлари ожиз. Улар диққатни фақат 35 дақиқа тутиб тура оладилар. Болалар учун бутун материални ўйин шаклида бериш керак. Мактаб кун тартибга риоя қилишлари қийин, расмий, чекланган ўзаро муносабатларга ўрганишлари қийин. Ўз ишларни режалаштиришни билмайдилар, эркалик, ўжарлик кўпроқ учрайди. Улар эстетик туркумлар учун қизиқиб, расм чизиш, ижод қилишни яхши кўрадилар, лекин улар турғун эмас.

Катта (4 - 7 синф) болаларнинг барча жихатлар бўйича ўсиши нотекис, бўлиб уларда мантиқий фикрлаш, хотира тез ривожланади. Яна шунингдек ирода белгилари-тиришқоқлик, тўсиқларни енга олишга интилиш ривожланади. Ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар, катталар томонидан баҳоланишига нисбатан жуда таъсирчандирлар. [11.22]
Уларнинг темперамент типларини ўрганиш зарур:

1.Холерик – «тиниб- тинчимас». Улар чакқон, қизиқувчан бўлиб, ўз ишларини берилиб бажарадилар. Лекин улар ушбу ҳолда қизиққон, баъзан уришқоқдирлар. Уларни доимо иш билан банд қилиб қўйиш зарур акс ҳолда, жамоа тартибини издан чиқарадилар.

2.Сангвиник – «ишон, лекин текшир». Улар ҳаётбахш ва қизиқувчандирлар. Лекин улар манманликка, енгилтакликка мойиллик мавжуд бўлиб, ўта мулоқатчан, лекин ишончсиздирлар. Ажойиб суҳбатчи, бошқаларни хафа қилмаслик учун доимо ваъда берадилар.

3.Флегматик – «қистама». Улар вазмин, чидамли, лекин эринчоқ, лоқайд, секин қимирловчи, кўрсатилган соатларда ишлай олмайдилар.

4.Меланхолик – «зарар етказма». Улар ҳиссиётли, юмшоқ, кўнгли очик инсонлардир. Лекин, меланхоликларнинг ишлаш қобилиятлари паст, тортинчоқ бўлиб, уларга бақириш, босим ўтказиш мумкин эмас. Улар жуда тез хафа бўлувчандирлар. Доимо ёрдам зарурлиги туфайли, улардан мустақиллик талаб қилиб туриш зарур.

Фортепиано синфининг ҳар бир ўқитувчиси ўз ўқувчисини ўрганиши ва якка машғулот режасида унга тавсифнома ёзиши керак. Ана шундай характеристика келажакда ўқувчига мунтазам равишда камчиликлардан холи

бўлишга ва яна шунингдек, тўғри пианиночилик кўникмаларини олишга ёрдам беради.

II боб Болалар мусиқа ва санъат мактаби 1-синф ўқувчилари билан фортепиано бўйича машғулотлар олиб бориш методлари

2.1 Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари билан олиб бориладиган биринчи фортепиано машғулотлари ва “қўлни қўйиш” методлари

а) Таълимнинг нота ўрганишгача бўлган даври

Бола мусикий тарбиясида дастлабки қадамлар чолғу асбоби билан танишишдан бошланади. Бу дарсни иложи борица роялли синфда ўтказган макул. Болага рояль бирон - бир чолғу гуруҳига мансуб эмаслиги, Рояль бу чолғу асбоблари қироли тушинтириш керак. Кейин эса шеър ўқиб бериш мумкин. Унинг муҳим қисмларидан бири ижро механизимидир. Клавиатура оқ ва қора клавишлар қаторидан иборатдир. Торларга болғача уриши учун клавишни босиш зарур. Клавишлар гўёки жонли бўлиб, сен улар билан қандай муомала қилсанг у ҳам сени шундай жавоб беради.

Агар қаттиқ бармоқларнинг билан қўпол боссанг- товуш кескин, қисқа, гўёки роялнинг жони оғригандай бўлади. Агар бармоқлар озроқ думалоқланган, қайишқоқ, қўллар эса енгил ва эпчил бўлса рояль куйлай бошлайди, унинг товуши тиниқ ва енгилдир.

Ҳар бир инсон ўз исмига эга бўлганидек, ҳар бир клавиш ҳам ўз номига эга. До, ре, ми, фа, соль, ля, си ноталарни тартиб билан ўрганиш шарт эмас, чунки агар шундай қилинса ўқувчилар одатда керакли ноталарни санаб олишга бошлайдилар. Баъзи ноталарнинг жуфт: иккита ва учтадан жойлашганлигига эътиборни қаратиш зарур. Чапдан иккита нота До ўнда эса ми. Агар до, ми, до кейин соль ноталари ўйналса худди хўроз ку- ка- ре- ку деб қичқираётгандай бўлади.

Кизилиштон, какку ва хўроз хақидаги эртак ана шундай бошланади. Ўқувчига эртак ҳикоя қилиб бориб, ундан бутун клавиатура бўйлаб хўроз билан бирга қичқиритишни ва чалишни, ундан кейин эса ўқувчидан хўроз неча марта қичқирганлигини санашни сўраш мумкин. Яна шунингдек кизилиштон тўкиллатишини, (фа-фа-фа) каккунинг кукулашни (соль- ми- соль- ми) чалиш мумкин.[12.12,15] ундан кейин товуш ва ранглар орасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қалам ва фломастерлардан фойдаланган ҳолда кизилиштон какку, хўроз овозларига мос келувчи ранглардан фойдаланиб, расм ва ноталарни бўйлаб таклиф қилиш мумкин.[12.17]

Дастлабки дарсларда эшитиш қобилиятининг ривожланишига ҳам эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун болани регистрлар билан таништириш, топишмоқлар ўйнаш ва мусиқа асбобида чалиш ҳам мумкин.

Нота ўрганишгача бўлган даврда “қўлларни ясаш” бошланади. Педагогнинг асосий вазифаси шундаки, у ҳар бир ўқувчининг мусиқа асбобига яқка тарзда мослашишига ўзининг энг қулай сезгиларни эркин, табиий ҳаракатларни сезишга бутун тана ва қўлларнинг эркин ҳолатини сезишга ўргатиши зарур. Ҳар хил мускуллар гуруҳи учун мўлжалланган махсус

гимнастика машқлари бунда катта ёрдам бериши мумкин. Улар фортепиано шуғулланаётган болаларда тез - тез учрайдиган сиқилганликни(зажатость) енгишга ёрдам беради.

Гимнастика дарсга ўйин элементларини киритади. Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар у учун бу жуда муҳимдир. Бола бошқа фаолият турига кўчар экан, у озроқ чарчайди. Натижада ҳажми бўйича катта материални олади. Педагогнинг вазифаси ушбу машқларни жонли, қизиқарли шаклда болаларга етказишдир. Пианиночилик аппаратини шакллантиришга қаратилган ҳар бир амалий ишда болалар санъат ва мусиқа мактаби педагоги А. А. Шмидт - Школовскийнинг “О воспитание пианистических навыков”[17.18] А. Д. Артоболевскаянинг «Первая встреча с музыкой» [5. 23] китобларида келтирилган машқлар ва шунингдек шахсий педагогик топилмаларидан фойдаланиши[мумкин. Мен бу битирув – малакавий ишимда шундай машқлардан бир нечасини ва уларнинг образли амалга ошириш мумкин бўлган вариантларини таклиф қилмоқчиман.

Дастлаб болага ўз қўлларни оғирлигини, майинлик ва эркинлигини сезишга ёрдам берувчи бир нечта машқлар берилади.

Бўйин бўғинлари, елка камари ва қўлларни очишга ёрдам берувчи “Буратино” машқи: Бола қўлларини кўтарган ҳолда туради. Унинг қўллари таранг ҳолда, чунки у ҳозир ёғоч одамчадир. Кейин эса гавдани “қисмлар” бўйича эркинлаштириш бошланади. Дастлаб бармоқлар, кейин қўллар билакча, кейин тирсакгача ва ниҳоят бутун қўл оғир ва эркин ҳолда пастга тушади.

“Оққуш” машқи: елка, кўкрак, елка камари мускуллари пианиночи ишида муҳим роль ўйнайди. Улар елка бўғинларини мустаҳкамлайди ва вазминлаштиради. Қўлларни керакли баландликда тутати ва йўналтиради. Машқ тўғри гавда ҳолатини ҳосил қилишга ёрдам беради қўлнинг ҳаракат пайтидаги майинлигини ўстиради.

“Сехрли доира” ва “Камалак” машқлари: бу машқлар гавдадан тортиб бармоқ учларига бутун қўлни сезишга ёрдам беради. Фазода барча доирасимон чизиқлар: камалак, тоғлар - сехрли доирани ҳар хил бармоқлар билан бармоқни қўлнинг давоми сифатида сезган ҳолда чизимиз.

“Расом” машқи: бунда ҳам фазода расм чизиш методи қўлланилади. Билак ўзини эркинлаштирувчи ва уни кўпроқ майинлаштирувчи майда айланма ҳаракатларни ясайди.

“Соябон” машқи: Ўнг қўлни чап қўл иккинчи бармоғига илиб қўйилади. Ўнг қўл бармоқлари худди улардан сув оқиб тушаётгандек эркин ҳолдадир. Қўл нафақат ёғир мускуллари, балки елка мускуллари билан ҳам тутилади. Ана шундай ҳолда тутиш қўл вазнини бошқаради, унга енгиллик ва қайишқоқлик бахш этади.

Кейинги машқлар эса бармоқларни ривожлантириш учундир.

“Мушукча” машқи: Машқ бармоқлар учи сезгирлигини ўстиради. Уни тўғри бажарган бола бармоқлар эркинлиги нималигини тушиниб олади. Қўл ярим букилган, бармоқлар ёстикчасига таянган ҳода стол устида эркин ётади. Қўл ухлаётган мушукча панжасига ўхшаб эркин ва енгилдир. Мана мушукча

уйғонди, керишди ва ўзининг ўткир тирноқларини чиқарди. Бармоқлар куч билан стол қопқоғи устида елпиғичсимон горизантал ҳаракат қилиб сирғала бошлайди. Қўлнинг бутун мускуллари таранг ҳолдадир. Кейин бармоқлар дастлабки ҳолатга қайтади. Қўл яна эркинлашади.

“Мехмон - мехмон” ўйини: Ўйин икки қисмдан иборат. Катта бармоқ уй эгаси, қолган бармоқлар эса байрамга таклиф қилинган мехмонлардир машқнинг биринчи қисмида мехмонлар келиши тасвирланади. Мехмонлар Уй эгаси билан саломлашадилар: барча бармоқлар ёстикчалари билан худди ўпишаётгандек бош бармоқ билан тўкнашадилар. Машқнинг иккинчи қисми - мехмонларнинг кетишидир. Мехмонлар уй эгаси билан хайрлашиб - таъзим қиладилар. Ҳар бир бармоқни алоҳида - алоҳида шундай букиш зарурки, токи у учи билан қўл кафтининг орқа томонига тегсин. Бу машқ бармоқ “ёстик” чалари сезгирлигини ривожлантиради ва бармоқлар мустақиллигини таъминлайди.

“Тимсохчалар машқи”: Машқ қизиқарли шаклда болани ҳар бир бармоқнинг рақамли белгиланиши билан таништиради (1,2,3,4,5). Қўл каттик юзада эркин ётади. Ҳар бир бармоқ куёшда эснаб, дам олиб ётган тимсохларни ифодалайди. Бармоқлар узун ва тўғри, навбатма - навбат иложи борица юқори кўтарилади(тимсохчалар эснайди). Ҳар сафар битта бармоқ кўтарилади, қолганлари столга маҳкам ёпишгандир. Машқларни икки қўл билан биргаликда параллел бармоқларни кўтарган ёки кординацияни ривожлантириш учун бажариш мумкин. Мисол учун: ўнг ва чап қўлдаги иккинчи бармоқ, чап қўлдаги учинчи бармоқ ва ўнг қўлдаги бешинчи бармоқ ва шу тахлит. Бармоқларга “буйруқ” ларни ўқувчи ҳам ўқитувчи ҳам бериши мумкин. Бу машқларни диққат машқлари сифатида ҳам қўллаш мумкин.

Биринчи ва бешинчи бармоқларнинг жойлашишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Эчки ва таёқча машқи: Биринчи бармоқ эчки боласи, у ҳаракатчан, бешинчи бармоқ таёқча у вертикал ҳолатда ёстикчада тигиз туради. Ўқувчи ёзда ўтлоқда қўйлар, эчкилар, сигирлар чўпонсиз қандай ўтлашини эсга туширсин. Улар ёғоч ёки дарахтга маҳкам боғланганлиги сабабли қочиб кета олмайдилар. Бу ҳолатини бармоқлар ёрдамида ифодалашга ҳаракат қиламиз. Таёқча - чўпон, эчки боласи эса таёқ атрофида айланиб юрибди. Биринчи бармоқ бешинчи бармоқдан горизантал юзадан тушиб келади. Кейин тескари томонга кўтарилади. Бешинчи бармоқ ҳаракатсиз туради.

Кейин роллар олмашади: Биринчи бармоқ таёқни, бешинчи бармоқ эса эчки боласини ифодалайди. Машқни стол қопқоғида ва фортепиано устида ҳам бажариш мумкин.

Кейинги уч машқ чолғу асбобида бажарилади.

“Ҳазонрезги” машқи: Битта бармоқ орқали учта товушни чиқариш машқи. Қўл ҳаракатлари майин бўлиб, кузда учаётган япроқлар парвозини эслатади. Машқлар секин, шошилмасдан, даставвал бир, кейин иккинчи қўл билан бажарилади.

Бола овоз чиқариш пайтида қўлнинг бутун оғирлиги елкадан бармоқларга, улардан эса клавишларга ўтиётганлигини сезиши керак. Бу

машқни бажаришда бола овоз сифатига эътибор бериши ва у ҳавода қандай “эриб” кетаётганлигини сезиши керак.

“Жарангдор камалак” машқи: Клавиатура устидаги ейсимон ҳаракатлар қилиш ва кейин унга бармоқларни ботириш. Машқ клавиатурада эркин мўлжал олиш ва масофадан мускул сезгиларини ривожлантиради. Ўнг қўл билан алоҳида юқорига, чап қўл билан пастга, ҳар бир бармоқ билан навбатма - навбат оқ ва қора клавишларда ўйнаш. Қўл кенг айланма ҳаракат билан майин ва секин ўтирилади. Ўқувчи бу машқни ижро қилар экан, камалакдан шафоф томчилар пастга, чуқур қўлга жаранглаб тушаётганини тасаввур қилиши керак.

“Қовоқ ари” машқи: бир октава чегарасидаги ейсимон ҳаракатлар. Товуш терция интервалида битта эмас иккита 2 ва 4 бармоқ орқали ҳосил қилинади, бола кўз олдида гулдан гулга (клавишдан клавишга) қўнаётган паҳмоқ оғир ари образи келиши зарур. Нафис гуллар унинг оғирилигидан эгиладилар. Терциялар чуқур, клавишлар “тагини” сезган ҳолда чалинади.

Машқлар устида ишлаш, техникани мусиқий томондан англаш воситасидир. Машқларда учрайдиган товуш ҳосил қилиш усуллари аста секинлик билан асарлар устида ишлашга ўтирилади.

Нотани ўрганишгача бўлган даврдаги кейинги иш шакли - ритмик схемалар бўйича ишлашдир. Даставвал биз қисқа ва узун товушлар ҳақида гапирамиз. Бола ритмик жўрнавозлик ёрдамида шеър ўқийди, кейин эса ана шу шеърга икки ёки учта нотадан иборат куй яратишга ҳаракат қилади. “Мусиқий санок таёқчалари” ўйини бу шунчаки ритмик схема бўйича ўйин бўлиб қолмасдан у болаларга аппликатурани мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам беради ва икки қўл бир пайтда ишлаётганда координацияни ривожлантиради.

Бармоқларни танлаш ҳар хил бадиий вазифаларни амалга оширишга ва ҳар хил пианиночилик қийинчиликларни енгишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам аппликатура устида ишлашга ижодий ёндошиш зарур.

1,2,3 бармоқлар кучли 3,4,5 бармоқлар эса анча кучсиз ҳисобланади. Ўқувчиларда клавиатурага нисбатан онгли муносабатни тарбиялаш зарур. Ҳар бир ижрочи бадиий ифодавийлик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бармоқларни танлаши зарур. Бармоқларнинг табиий изчиллигига интилиш лозим (ноталар ёнида, бармоқлар ёнида). Бир хил тузилишидаги секвенцияларни табиийки бир хил бармоқлар билан ижро қилиш керак. Қўллар хатто кенг ҳолатда ижро қилаётган пайтда ҳам табиий - йиғилган (гумбазсимон) ҳолатда бўлиши лозим.

Аппликатура танлашда бармоқларнинг табиий имкониятларидан келиб чиқиб танлаш зарур. (Бу ҳақда Шопен ҳам гапириб ўтган эди) 1 - бармоқ энг куйчан, 2 – энг кучли ва таянч, 3 - 4 бармоқлар умумий мускуллар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли 4 бармоқ мустақил бўлмаган ва энг кам ҳаракатчан бармоқдир. 5 бармоқ эса нафис овоз чиқариш учун ишлатилади.

Бармоқлар legato сига эришиш учун айлантириб қўйиш, алмаштириш, сирғаниш кабиларни қўллаш зарур:

1. Узун бармоқни қисқа бармоқ устидан ошириб ташлаш. Ушбу ҳолда бармоқларни клавишларга майин яқинлаштириш керак бўлган билан юмшоқлигига эътибор қаратиш лозим. Биронта ҳам бармоқ, бошқа бармоқ

кейинги клавишни босмагунча клавишдан олинмаслиги керак.

2. Бармоқларни овозсиз алмаштириш. Ушбу усулни сайқаллаш учун куйидаги машқ мавжуд: Биринчи бармоқ клавишни чуқур босади, иккинчи бармоқ ҳам ушбу клавишни босишга тайёрланади. Иккинчи бармоқ биринчи бармоқ ўрнини ҳали эгалламаган экан, биринчи бармоқ клавишни юбормайди. Бу машқни эстафетада таёқчани узатишга ўхшатиш мумкин.

3. Сирғанишда энг яхши оғиш бурчагини топиш зарур. Битта товушни хаддан ташқари босиш керак эмас.

II боб Болалар мусиқа ва санъат мактаби 1-синф ўқувчилари билан фортепиано бўйича машғулотлар олиб бориш методлари

2.1 Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари билан олиб бориладиган биринчи фортепиано машғулотлари ва “қўлни қўйиш” методлари

б) Пианиночилик аппаратини ташкиллаштириш методикаси

“Талантларни ярататиш мумкин эмас,
лекин уларнинг пайдо бўлиши ва ўсиши
учун муҳит яратиш мумкин ва зарур”

Г.Т.Нейгауз

Одатда “қўлларни қўйиш” деб ном олган иш билан шуғулланишда педагог буни сездирмасдан, иложи борица ўз қўллари мисолида амалга ошириши керак. Дастлаб болани товуш ҳосил қилишнинг амалий томони билан таништириши, яъни фортепиано механизминини кўрсатиши бола бармоқ клавишни қандай босишидан товуш ҳосил бўлишинини кўриши ва тушиниши керак. Ана шу даврда педагог олдида жуда маъсулиятли вазифа – бола қўлини “яратиш” туради.

Клавишларга дастлабки қўл урилишидаёқ уларни майин, эркин ва табиий бўлишига ҳаракат қилиш керак. Бу ишда ҳар бир педагог санъат, ижодкорлик намоён қилиши зарур. Бола қўллари товушлар орқали ўзини фикр, ҳис - туйғуларини, овозини ифодолаш мумкин бўлган асбоб эканлигини англаши керак. У қўллар товушларни қаттиқ ва паст, нафис, куйчан ва кескин чиқариб “сўзлаши” мумкинлиги тушуниши ва эслаб қолиши зарур. Бир сўз билан айтганда “қандай ҳис қилсанг шундай “гапирасан” – чаласан.

Пианиночи учун энг катта ва энг кўп тарқалган хавф - бу қўллар сиқиклигидир.

Таълимнинг дастлабки давриданок бундан қочиш учун болага маълум бўлган бирон - бир куйни ўнг ва чап қўл учун тақсимлаб, уни битта учинчи бармоқлар билан ижро қилдириш зарур. Бундаги энг асосий нарса – қўллар эркинлиги, мусиқий фикр ва ҳиссиётларни узатиш учун уларнинг табиий ҳаракатларидир.

Чиройли, куйчан тон, куй ижросидаги ифодали ҳуш оҳангликка ўқувчи бўлган талаб мусиқий тарбиясининг биринчи босқичларидан то таълимнинг сўнги даврларигача педагогни ўйлантирувчи; ташвишлантирувчи вазифалардир. Мусиқа билан шуғулланиш, мусиқий – образли тафаккурни тарбиялаш энг аввало мелодияни идрок қилиш билан боғлиқлиги ҳаммага

тушинарлидир. Ягона йўналишни ҳосил қилувчи ушбу муסיкий товушларниг бадий - онгли изчиллигида одатда legato ижроси тушинилади. Ҳақиқатдан ҳам машғулотларни куй ижросидаги яхши legato ни ишлаш орқали бошлаш табиий булар эди.

Лекин ўқувчи қўллари ташкиллаштириш, чалиш таранлигини тўғри тақсимлаш ва натижада яхши тон ҳосил қилишни юқорида айтилганидек дастлабки машқларни non legato бажариш натижасида эришиш мумкинлиги аниқланган эди.

Ушбу ҳолда non legato жумлалар бирлигини бузмаслиги керак. Ўқувчилар қўлини ташкиллаштириш ҳақида ўзининг методик эслатмаларида Ф. Шопен: клавиатура олдида шундай ўтириш керакки, токи на у ёққа, на бу ёққа эгилмасдан, унинг иккала томонига ҳам қўл ета олсин.

Агар бармоқлар ми фа #; соль #; ля #; си клавишларида жойлаштирилса, қўл ҳолати топилади. Узун бармоқлар юқориги клавишларини, қисқа бармоқлар эса пастки клавишларни эгаллайдилар. Юқориги клавишларга таянувчи бармоқларни бир чизикда жойлаштириш, шунингдек, оқ клавишларга таянувчи бармоқларни қўллар тузилишига мос, қулай ва табиий айланма ёйиқлик бахш этувчи ричагларни нисбатан текис қилиш учун ҳам жойлаштириш зарур.

Елка олди ва қўл билакни айланасимон қилиб цнга чўзилган бармоқларда эришиб бўлмайдиган керакли юмшоқликни беради.

Ўқиш учун осон, қўл учун эса энг қийин, лекин ҳеч қандай таянч нуқтаси бўлмаган До мажор гаммасини ўрганиб бошлаш бефойдадир.

Қўлларнинг узун бармоқлари қора клавишларда қулай жойлашадиган, масалан ми мажор ёки си мажор гаммаларни ўрганиб бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Улуғ пианиночи ва педагог Нейгауз Шопен фикрига тўла -тўқ қўшилиб, ўзининг “Об искусстве фортепианной игре” китобида бу 5 та нота ми, фа #, соль #, ля #, си лар Шопен фортепиано машғулотининг биринчи мазмунидир. Вақт ўтиши билан мен ҳам фортепиано методикасининг барчасини ана шу бешта нотадан бошлаш керак деган хулосага келдим, яъни бу миллионлаб ҳосил берувчи бугдой донидир деб ёзади. [14.12]

Маълумки, Шопен ўқувчилар қўлини энг қулай, энг табиий қўлнинг кв.да энг эркин ҳолатини таъминловчи бешта нотадан қўшиб бошлар эди. Масалан, энг калта бармоқлар биринчи ва бешинчи оқ клавишларга, улардан узунроқлари – иккинчи, учинчи ва тўртинчи бармоқлар юқорирокда жойлашган қора клавишларга тўғри келар эди.

Клавиатурада ундан ҳам яхшироқ табиий ҳолатни топиш асло мумкин эмас. Ҳар бир одамга фақат оқ клавишлар До, ре, ми, фа, соль да бешта бармоқ жойлашиши қанчалик ноқулай ва табиийлиги ўз - ўзидан тушунарлидир.

Шопен бу бешта нотани non legato қилиб билаклар иштирокида енгил portamento ижро қилишга мажбурлар эди.

Бу оддий усул ижрочини дарҳол чолғу асбоби билан дўстлашишга, фортепиано ва клавиатура бегона, ҳавфли ҳатто душман машина эмас аксинча, кадрдон, яқин, тушунарли мавжудот эканлигини сезишига ёрдам берар эди. Шопен ўзининг ўқувчиларига гаммаларни кўп қора клавишлар билан чалишни,

ундан кейин эса аста - секин уларни камайтириб, энг охирида, энг қийин гамма фақат оқ клавишлардаги До мажорга етказишни таклиф қилар эди.

Юқорида келтирилган мисоллардан аён бўладики, сиқикдан халос қилинган қўллар роялда яхши овоз ҳосил қилиш гаровидир. Фортепианода ижро қилиш пианиночининг барча ҳаракат аппаратини чолғу асбоби хусусиятларга мослаштиришни талаб қилади. Тўғри ўтириш ҳолатига ва ортиқча ҳаракатлар йўқлигига эътибор қилиш, ўқувчига тўғри ижрочилик ҳиссиётларини сингдириш – булар барчаси доимо педагог диққат - назарида туриши лозим. Қўл ҳолатлари каби ўтириш, клавиатурада қўл ҳолатлари ҳам кўп томондан индивидуалдир. Лекин, ҳамма ўқувчилар учун умумий бўлган бир қатор шартлар ҳам мавжуддир.

Бу – корпус тик ҳолатни сақлаш, ҳаракатларни чекловчи таранглик (айниқса, елка камари, тирсак бўғини, билак ва ҳ.к.) ҳаракат эркинлиги кабилардир.

Клавиатура маркази олдида ўтириш, тирсаклар эркин осилиб, гавданинг олдинги қисми бутун клавиатура бўйлаб билак ва қўлларнинг эркин ҳаракатланишига ҳалақит бермаслиги учун елкага қараганда клавиатурага яқинроқ туриши керак.

Ўтиргич баландлигини ижрочи бўйига мослаш зарур. Тирсаклар клавишлардан сал юқорида туриши керак.

Анча паст ўтириш қўл ҳаракатланишига ҳалақит беради ва уларни чарчатиб қўяди.

Гавданинг юқориги қисми ва бошни тўғри тутиш зарур. Букчайиб ўтириш одатидан эҳтиёт бўлиш, сақланиш зарур.

Бу нафақат беъмани бўлиб қолмасдан, балки ўйинга ҳам салбий таъсир кўрсатади, вақт ўтиши билан соғлиққа ҳам зиён етказиши мумкин.[16.2]

Бирон-бир ҳаракатларни ўргатиш эмас, балки ўйлаб қўйилган мусиқий образларни чолғу асбобида муваффақиятли ифодалаш учун ўқувчига ўзи табиий ва мантиқий ҳаракатларни топишга ҳалақит берувчи барча мускул тарангликларидан халос бўлиши зарур.

2.2 Педагог ва ўқувчининг мусиқа асари устида ҳамкорликда олиб борадиган ишлари

Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси йил мобайнида ҳар хил характердаги 20 - 25 та пьеса ва этюдлар, халқ кўшиклари, полифония элементли пьесалар, сонатина, вариациялар ансамблларни ўрганиши керак. [4.4]

Педагог бирон - бир асарни танлашда асосан ўқувчида қандай ижрочилик кўникмалари камроқ шаклланганлигидан келиб чиқиб иш тутиши зарур. Ҳар бир синфнинг ўқув репертуарида махсус, масалан, чопқирлик штрихларини ривожлантириш учун ҳар хил техник кўникмаларни шакллантиришни талаб қилувчи пьесалар мавжуд. Бу асарларнинг барчаси ўзининг махсус вазифаларидан ташқари битта умумий мақсад – ўқувчининг мусиқий - бадий ривожини кўзда тутди.

Бадий образ устида ишлаш мусиқа ва мусиқа чолғуси томон қўйилган биринчи қадамдан бошланади. Педагог болани биринчи марта нота саводига

ўргатар экан, у эндигина ўрганган белгилардан қандайдир куйлар тузиши, имкони бўлса олдиндан таниш бўлган куйни пианинода чалишни ўргатиши керак.

Агар бола бирон бир куйни ижро қила олиш қобилиятига эга бўлса, ушбу ижронинг ифодали бўлиши, яъни ижро характери куй характерига мос бўлишга эришиш зарур. Бунинг учун халқ куйларидан фойдаланиш алоҳида тавсия қилинади.

Боладан қайғули куйни, қайғули шўх куйни, шўх тантанали куйни тантанали қила олишга ўзининг мусиқий - бадий кўзлаган нарсаларини мантиқий ниҳоясига етказишига иложи борица тезроқ эришиш зарур. Лекин, яна шунингдек, болалар учун яратилган соф техник ва ақлий вазифаларни назарда тутувчи (масалан: бутун, ярим ноталар билан чалиш ва ҳ.к. пауза стаккато, легато ва шу тахлит) тавсиявий адабиётларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бу вазифалар болаларнинг бармоқлари ва ақлини ривожлантирганлиги учун ҳам улар ўта зарурдир.

Бола ҳозирча бадий мазмунга эга бўлмаган машқ, этюд ёки бирон - бир пьесани ижро қилар экан, у ўз хоҳишига кўра уларни тезроқ ёки секинроқ, қаттиқ ёки паст ижро қилиши мумкин. Бу чолғу техникавий иши ҳақиқатдан ҳам фойда келтириши учун ўқувчи олдида аниқ ва маълум мақсадларни қўйиш керак. Масалан, ундай эмас, бундай тезликда, ундай куч билан эмас, бундай куч билан ижро қилиш ва ҳ.к. Агар этюд мақсади — оҳангнинг равонлигини ривожлантириш бўлса, тасодифий акцентлар, кечиктириш ва тезлаштиришга йўл қўймаслик мободо учраб қолган тақдирда ҳам дарҳол уларни тўғирлаш зарур. Агарда бола тавсиявий пьесани эмас, балки ҳақиқий - бадий асарни ижро қилаётган бўлсачи? Биринчидан, унинг руҳий ҳолати куруқ этюдларни ижро қилишга қараганда бошқача кўтаринки ҳолатда бўлади. (бу эса, ишдаги ҳал қилувчи ҳолатдир) иккинчидан, ушбу асарни қандай товуш, қайси темпда, қандай нюанс, қандай усуллар билан ижро қилганда ўз мазмунига мувофиқ келишига болани ишонтириш осон кечади. Бу иш боланинг мусиқий - бадий поэтик асар устидаги ишнинг мурғак шакли бўлиб, етук пианиночи - ижодкор машғулотларини характерлайди.

Боланинг эшитиш қобилиятларини ривожлантириш билан бир пайтда варақдан нота ўқиш ҳам тарбиялаб борилади.

Хотирани ва ёддан ўрганиш кўникмаларига ўқишнинг биринчи йилиданок эътибор бериш зарур.

Ўқувчини пьесанининг мотив, фраза тузилиши, ҳаракат характери, аккомпонемент шакллари бўйича ёд олишга ўргатиш керак.

Бу ўқувчи шеърларни жумлалар, тўртликларга бўлиб ёд олган кабидир. Мураккаб педал санъатига ўргатиши энг оддий тушунчалар: педал панжасини қандай босиш, уни нотадаги педал белгиларига қараб қандай мустақил бажариш кабилардан бошлаш зарур. Ҳали ўқувчи асарни мутлақо соф ва аниқ ижро қила олмас экан, у педалдан фойдаланмаслиги керак. Хатолар бекиниб қолмаслиги учун пассажларни педалсиз ижро қилиш зарур. Ижрода ҳам педалдан иложи борица камроқ фойдаланиш лозим. Ўқувчига педалсиз соф ва

чиройли ижро қилинган пассаж, педал билан ижро қилинган ҳар хил ноталар эшитилиб турган пассаж кўпроқ ёқади деган тушунчанинг нотўғри эканлигини ўқувчига тушунтириш лозим.

Ўқувчининг ҳақиқий муваффақиятларга эришиш омилларидан бири – бу уй машғулотларидир. Ўқишнинг биринчи ойлариданоқ бола педагогдан мустақил бажариш учун кичик вазифалар олиши мумкин.[11.12] Аста - секин боланинг ўсишига қараб, улар мураккаблашиб бориши керак. Масалан, болага мустақил равишда асарга педаль ёки аппликатурани қўйиш, мустақил равишда кичик пьесани ўрганишни топшириш мумкин.

Чолғу асбобида олиб бориладиган уй вазифалари боланинг кундалик жадвалига киритилиши керак.

Ҳар куни иложи борича бир хил соатларда шуғулланиш зарур. Агар уй машғулотлари билан мунтазам равишда эмас, балки бетартиб, яъни бугун ярим соат, эртага тўрт соат шуғулланса, яхши натижаларни кутиш мумкин эмас. Дастлабки даврда, ўқувчилар болага машғулот вақти келганлигини эслатиб туришлари мумкин (кейинчалик бола бу ҳақда ўзи эсдан чиқармаслик керак). Бола фортепианода шуғулланаётган пайтда жимлик сақланиши, уни ҳеч нарса чалғитмаслиги керак. Ота - оналар мусиқа билан шуғулланиш катта диққатни талаб қилишни эсдан чиқармасликлари керак. Ота - оналар билан олиб бориладиган суҳбатларда педагог уй машғулотлари учун керакли кун тартибини яратиш лозимлигини таъкидласа турса мутлақо ҳақдир.

Ўқувчи баъзан чолғу асбоби ёнида ўз вақтини соатлаб йўқотар экан, барибир бадий ва техник вазифаларни уддалай олмайди. Бу эса кўпчилик ҳолларда ўз-ўзини назорат қилиш, ишга онгсиз равишда ёндашиш ва керакли диққатнинг йўқлиги сабабли юзага келади.

Г. Г. Нейгауз ўзининг “Об искусстве фортепианной игре” китобида “Мен ўзимнинг “ўқувчи ҳар куни энг камида фортепиано ёнида 6 соат шуғулланиши, тахминан 4 соатни техника ва репертуар устида ишлашга, икки соатни эса танишиш учун ажратиши керак” деган қатъий фикримдан воз кеча олмайман” деган эди .[14.8]

Таълимнинг дастлабки давриданоқ ўқувчи унга таклиф қилинган мусиқа асарлари ритмини сезиши ва идрок қилиши зарур. Ундан кейин эса тасвирланган ноталар чўзими, паузалар, улар ёнидаги нукталар нималарни ифодалашини, нота саводида тасвирланган ритмик ҳиссиётларни педагог бола учун қизиқарли қуй, қўшиқлар мисолида тушунтириши керак. Ритмни тушунтиришнинг йўллари сон - саноксиздир. Биринчи ва ҳаммасидан энг кўп тарқалгани бу – бутун нотани олма шаклида ифодалаб, кейин уни ярим чорак ва ҳоказо бўлақларга бўлингандир.

Иккинчиси, “Ҳайвонот боғидаги саёҳат”дир. Ҳайвонлар сайр қилишга қарор қилдилар. Мана фил. У бир қадам ташлаган пайтда айиқ икки қадам ташлайди. Уларни қувиб етиш учун сичқончанинг эса 16 қадам ташлашига тўғри келади. [10.8]

Товушлар чўзимини тушунтиришнинг энг бошидан бошлаб, паузалар ҳақида ҳам гапириш керак. Болалар энг аввало пауза - бу жимлик, яъни ҳаракатда эмас, балки янграшда тўхташ, танаффус эканлигини билишлари

керак. Бу мусикий нутқ нафасидир. Педагог ритмни ўргатиш билан бир қаторда болага темп, ўлчов, такт ва затактлар ҳақида ҳам тушунтириш бериш керак. Болага тушунарли мисоллардан фойдаланиш тўлақирғили равишда бу ерга ҳам тааллуқлидир. Ҳеч қандай нарсани болани тингловчилар олдида ижро қилиш маъсулияти каби диққат ва қўл билан ишлашга мажбур қила олмайди.

Ёш мусиқачи дастлабки қадамлариданоқ ўзи ўрганган нарсалари билан ўртоқлашиши зарур. Ўқувчининг эстрададаги ҳатти ҳаракати, яъни у тингловчилар эътиборига синфда тайёрланган дастурни тақдим қилиши, концертда чиқишдан олдинги педагогик жараён билан бевосита боғлиқдир. Ўқувчи асарни аъло даражада ўрганиб, уни синфда яхши ижро қилган бўлса ҳам сахнада ўзини йўқотиб қўйиши ва муваффақиятсиз ижро қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Педагог буни билган ҳолда оммавий чиқишнинг муваффақиятли ўтиши учун барча чораларни қўриши керак. Берилган асар қанчалик даражада хотирага ўрнашганлигини билиш учун бир неча марта оммавий репетициялар ўтказиш, масалан ота - оналарни таклиф қилиш ёки болага ўртоқлари олдида ижро қилишга рухсат бериши керак. [6.56] Ушбу тинглаш жараёнида аниқланган камчиликлар синфда бартараф қилинади.

Концерт арафаси ва айниқса концерт кунида эмоционал кучларини асраш ўта муҳимдир. Ундан кейин концертда ёки имтиҳонда ижро қилиш муваффақиятли ўтади. Эстрададаги муваффақиятсиз чиқиш бола психикасини (руҳиятини) яралаши, кейин ишлаш истагидан воз кечишга олиб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бу оқибатларни тез ва енгил бартараф қилиб бўлмайди.

Хулоса

Фортепиано мутахассислиги синфи бўйича ўқитиши методикаси - ўзини бу ишга бағишлаган инсонлардан ўз ишига катта муҳаббат, чексиз қизиқишни талаб қилувчи санъатдир. Болалар мусиқа мактаби фортепиано синфи ўқитувчиси энг аввало мусиқа ўқитувчиси, яъни унинг тушинтирувчиси бўлиши, ўқувчилар билан техник ёдловчиси бўлиши керак эмас.

У болалар билан олиб бориладиган дастлабки машғулотлар мазмунини тўғри тузиши, болада клавиатурада мўлжал олишини ривожлантириши, қўшиқларни тўғри ва яхши ижро қилишни ўргатиши, эшитиб чалиш ва транспорт қилишини ўргатиши зарур. Ўқитувчи ўқувчи эътиборига асар мазмуни деб аталувчи нарсани етказиши, нафақат поэтик образ билан қизиқтириши балки унга шакл таҳлили гармония, куй, полифонияни етказиши у бир вақтнинг ўзида ҳам назариячи, мусиқа тарихчиси ва яна шунингдек сольфеджио, гармония ва мусиқа ўқитувчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири — ўқувчига етуклик оstonаси деб аталувчи ва унинг орқасидан маҳорат, устозлик олиб келувчи методларини сингдиришдир.

Таълим мақсади - ижрочилик касбини, яъни чолғу асбобида ижро

килишни эгаллаш эканлигини унитмаслик керак. Бу жараённинг енгил эканлиги алдоқчи тушинча бўлиб, аслида эса бу кунда тиришқоқлик билан олиб бориладиган машғулотлар бўлиб, унинг ўқувчи учун қизиқарли бўлиши таъминлаш педагогнинг вазифаларидан биридир.

Бугун иш олиб бораётган ҳар бир педагог, ўз ишининг натижаси бир неча йиллардан кейин ҳосил беришини яхши билади. Бу эса узоқни кўзлаб иш тутиш, бизнинг битирувчиларимиз ўқув муасасасидан катта ҳаётга қадам ташлайдиган даврларга кўз тутишга ўрганиш кераклигини билдиради. Педагог янги таълим тизимларини билиши шу билан бир пайтда олдин ўтган муסיқачилар тажрибасини ўрганиши ва ҳурмат қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Т., 1997
2. Каримов И.А. Узбекистан - свой путь обновления и прогресса. - Т., 1992
3. Газета «Хорезмская правда» за 9.01.2008 г.
4. Программа для детских музыкальных школ и школ искусств. Специальное фортепиано. Т., 2008.
5. Артоболевская А. Д. Первая встреча с музыкой. М., 1985
6. Алексеев А. Методика обучения игре на фортепиано. М., 1979
7. Бах Ф. Э. Опыт истинного искусства игры на клавире. 1 ч. - 1753г., 2 ч. – 1762г.
8. Баха. И. С. Инвенции.
9. Браудо И.А. Об изучении клавирных сочинений Баха в музыкальной школе. Л., 1979
10. Кривицкий Д. Впервые за фортепиано. М., 2001
11. Каузовой А., Николаевой А. Теория и методика обучения игре на фортепиано. М., 2001
12. Кошмина И. Музыкальный букварь. М., 2005
13. Мыльников А. Рождение игрушки. Школа игры на фортепиано. М., 2000
14. Нейгауз Г. Г. Об искусстве фортепианной игры. М., 1988
15. Ражабова Д. Фортепиано таълими методикаси. Т.,
16. Цыпин Г.М. Обучение игре на фортепиано. М., 1984
17. Цатурян К.А. Чтение с листа. Теория и методика обучения игре на фортепиано. М., 2001
18. Шмидт-Шкловская А. О воспитании пианистических навыков. М., 2002
19. www.Ziyo.net.
20. <http://www//urolti/ru>